

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 37-38-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (173-174)  
**ТЎПЛАМИ** 2005 й.  
сентябрь

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

275. «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 9 сентябрдаги ўРҚ–3-сон Қонуни
276. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислоҳ Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 13 сентябрдаги ўРҚ–4-сон Қонуни
277. «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ўРҚ–5-сон Қонуни
278. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 сентябрдаги ўРҚ–6-сон Қонуни

279. «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-7-сон Қонуни
280. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-8-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

281. «2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ-3659-сон Фармони
282. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрдаги ПФ-3661-сон Фармони
283. «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 сентябрдаги ПФ-3662-сон Фармони
284. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрдаги ПҚ-185-сон қарори
285. «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

287. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида» 1998 йил 26 октябрдаги 452-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 сентябрдаги 211-сон қарори
288. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 сентябрдаги 213-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

289. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депо-

нентлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 17 сентябрда 1444-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

290. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерлик ҳисоби ҳисобва-  
рақлар режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республика-  
си Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/7-сон қарори.  
(*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 17 сентябр-  
да 773-20-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

291. «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхо-  
наларга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амал-  
га ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича  
банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғри-  
сида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 611-сонли қарори. (*Ўзбекистон Рес-  
публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 сентябрда 1512-сон би-  
лан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

292. «Пахта толасини экспортдан келиб тушадиган валюта тушумини мажбурий  
равишда сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни  
ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 89,  
19/7-сонли қарори. (*2005 йил 20 сентябрда давлат реестридан чиқарилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги  
меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил  
10 сентябрдан 23 сентябргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**275 Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 8 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 27 августда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 9 сентябрь,  
ЎРҚ-3-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**276** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 27 августда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 13 сентябрь,  
ЎРҚ-4-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ

**277** Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 8 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 26 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг 2000 йил 26 майдаги 76–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳририга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 147-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги** «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **русча матннинг 22-моддаси иккинчи қисмидаги** «Государственным комитетом Республики Узбекистан по физической культуре и спорту» деган сўзлар «уполномоченным органом государственного управления физической культурой и спортом» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги 678–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 178-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги**, **7-моддасининг биринчи қисмидаги**, **10-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Маданият ишлари вазирлиги», «Маданият ишлари вазирлигининг» деган сўзлар тегишинча «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги», «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 180-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **5-моддаси матнидаги**, **7-моддасининг номи** ва **биринчи хатбошисидаги**, **12-моддасининг биринчи** ва **бешинчи қисмларидаги**, **14-моддасининг биринчи қисмидаги**, **15-моддасининг иккинчи қисмидаги**, **18-моддаси матнидаги**, **20-моддасининг олтинчи қисмидаги**, **21-моддасининг иккинчи қисмидаги**, **22-моддасининг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги**, **24-моддасининг учинчи хатбошисидаги**, **25-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **31-моддасининг биринчи қисмидаги** «Маданият ишлари вазирлиги», «Маданият иш-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

лари вазирлигининг», «Маданият ишлари вазирлигига» деган сўзлар тегишинча «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги», «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг», «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида**»ги 317–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 17-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **14-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Маданият ишлари вазирлигининг» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 сентябрь,  
ЎРҚ–5-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**278** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 8 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 27 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда,

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

№ 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 19-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатсиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз тўловлари суммалари»;

**тўртинчи—ўн тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи—йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 6-боб** қуйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«27<sup>1</sup>-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарларини тақсимлаб ўтказиш**

Чет эл инвестициялари иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари солиқ солинадиган даромадни (фойдани) зарар кўрилган ҳисобот давридан кейинги йилларга камайтириш ҳисобига узиш учун беш йилгача муддатга тенг улушлар билан тақсимлаб ўтказилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул килинган **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»**ги 611–сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **3-моддаси:**

**тўртинчи қисмидаги** «чет эл инвестицияларига» деган сўзлар «чет эллик инвесторларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштириш ҳисобланади:

чет эллик инвесторга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдорининг (ставкаларининг) кўпайтирилиши;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўтказиладиган даромадини (фойдасини) ўз мамлакатига қайтариш тартиб-таомилини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талабларнинг жорий этилиши, бундан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор — жисмоний шахс содир этган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда ваколатли давлат органи томонидан чет эллик инвесторнинг маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига нисбатан миқдорий чеклашларнинг ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талабларнинг, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш тарзида, жорий этилиши;



чет эллик инвесторнинг корхоналар устав фондларида (устав капиталларида) улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашларнинг жорий этилиши;

чет эллик инвесторларнинг — жисмоний шахсларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасида қўшимча тартиб-таомилларнинг, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талабларнинг жорий этилиши.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидаларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**бешинчи—саккизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи—ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 сентябрь,  
ЎРҚ-6-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **279** Тadbirkorlik субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 5 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 27 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги Қонунининг 2001 йил 29 августдаги 260–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «ва жисмоний» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида**»ги 918–XII-сонли Қо-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

нунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **19-моддаси:**

**иккинчи қисмидаги** «ва жисмоний» деган сўзлар чиқариб ташлансин;  
**учинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **71-модданинг биринчи қисми:**

**16-банди** «хизматлари» деган сўздан кейин «(сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича коммунал хизматлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **34-банд** билан тўлдирилсин:

«34) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника соҳасидаги ишлар»;

2) **72-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникациялар тўғрисида**»ги 822–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда) **2-моддасининг саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошиларидаги, 6-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 8-моддасининг биринчи қисми бешинчи хатбошисидаги, 9-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги** «ёки жисмоний», «ва жисмоний» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 22 сентябрь,  
ЎРҚ–7-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**280 «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 26 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **XIII боб** қуйидаги мазмундаги **179<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«179<sup>2</sup>-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, Фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш,

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «179» рақамидан кейин «179<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда)

**37-моддасининг иккинчи қисми:**

куйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари»;

**ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **9-моддасининг учинчи қисмидаги** «ҳамда унинг давлат пенсияси таъминоти» деган сўзлар «унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **12-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ҳамда давлат пенсия таъминоти» деган сўзлар «унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **31-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **28-банд** билан тўлдирилсин:

«28) Халқ банки — фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлар бўйича»;

2) **58-модда** қуйидаги мазмундаги «э» **банд** билан тўлдирилсин:

«э) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари»;

3) **63-модда** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Иш берувчи юридик шахслар жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушлаб қолинган солиқ суммасини жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари суммаси миқдорига камайтирган ҳолда бюджетга ўтказадилар»;

4) **71-модда биринчи қисмининг 3-банди** «шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика пул жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилишини назорат қилиш»;

2) **5-модда биринчи қисмининг 1-банди** «ҳамда тўлаш» деган сўзлардан кейин «фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **6-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика пул жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сири тўғрисида**»ги 530–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда) 3-моддаси қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар».

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 23 сентябрь,  
ЎРҚ-8-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **281** 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 9400 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 18605 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 9400 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 18605 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги

ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истистно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 14 сентябрь,  
ПФ-3659-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **282** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сон Фармонига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 сентябрь,  
ПФ-3661-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 20 сентябрдаги ПФ-3661-сон  
Фармонига  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзшартнома-савдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида»ги ПФ-772-сон Фармони 5-бандининг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий ало-



қалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 20 апрелдаги ПФ-837-сон Фармонида:

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин:

илованинг 3 ва 4-бандларидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1096-сон Фармони 4 ва б-бандларидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1871-сон Фармони 1-иловасининг сарлавҳасидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1924-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18-февралдаги «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1930-сон Фармони 1-бандидаги ва 5-бандининг 3-хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3321-сон Фармони 1-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони иловасида:

I бўлим мазмуни қуйидагича 14-банд билан тўлдирилсин:

«14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги»;

III бўлимдаги 1-банд чиқариб ташлансин; 2—9-бандлар тегишли равишда 1—8-бандлар деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон Фармони 4-бандининг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони 3-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро Кенгаш» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **283** Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республиканинг уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан тадбиқ этилмоқда, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мулкдорлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлашдан олинган маблағлардан оқилона фойдаланишга қаратилган фаолияти кучайтирилмоқда.

Коммунал хизматлар тарифлари асоссиз оширилишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда, коммунал соҳага энергияни тежайдиган технологиялар тадбиқ этилмоқда, муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2005 йилнинг 1 январидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича «нулинчи» ставка жорий этилган, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг сарф-харажатларини камайтириш ва тарифлар ўсишини чеклаш имконини берди.

Шу билан бирга жойларда тарифларнинг аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатига мувофиқлиги, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тегишли назорат таъминланмаяпти. Иссиқлик ва ичимлик сув исрофгарчилигини камайтириш, улардан оқилона фойдаланиш, уй-жой фондини ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, коммунал хўжалик корхоналарининг унумсиз харажатларини қисқартириш чора-тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаяпти.

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, тарифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йилда марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига

кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг миқдори 10 фоиз бўлган фарқини иссиқлик таъминоти корхоналарига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006 йилги Давлат бюджети параметрларида аҳолига марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича кўрсатилаётган хизматлар тарифларидаги фарқларни қоплашга маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда энергияни тежайдиган технологияларни тадбиқ этиш, қозонхона ускуналарини, иссиқлик тармоқларини капитал таъмирлаш ва кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик тадбирларини ўтказишга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2006 йил мобайнида коммунал хўжалиги корхоналарини молиявий ва техник жиҳатдан реструктуризация қилиш, 2007 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатилган марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминотининг ўзини-ўзи тўла қоплашга ўтиши бўйича ҳаракатлар дастурини амалга оширсин;

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантириш, хусусий корхоналарнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, барча истеъмолчиларни энергия ва сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш асосида энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли чора-тадбирлар бажарилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари республика аҳолисига, биринчи галда кузги-қишки даврда, яхши турмуш шароитини таъминлаш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун маблағлар тўлиқ йиғиб олинishi ва тарифларнинг асоссиз оширилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича хизматлар босқичма-босқич ўзини-ўзи қоплашга ўтказилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 23 сентябрь,  
ПФ-3662-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**284 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сон Фармониға мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига иловаға мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 сентябрь,  
ПҚ-185-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 20 сентябрдаги ПҚ-185-сон  
қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарорининг 4-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 мартдаги ПҚ-26-сон қарорининг 3-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 6 майдаги ПҚ-69-сон қарорида:

а) 1-иловадаги «Ш.Р. Абдуллаева — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари» деган сўзлар «С.С. Хасанов — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

11-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 31-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2005 йил 28 июндаги ПҚ-110-сон қарорининг 2-илоvasидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **285** Тadbиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида

Тadbиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қўйидагилар белгилансин:

қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар камида 5 йил муддатга берилади;

1-иловага\* мувофиқ фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган муддатга берилади, шу билан бирга тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензиялар чекланмаган муддатга берилган деб ҳисобланади;

2-иловага\* кўрсатилган фаолият турларига лицензия бериш вазифалари тегишли давлат бошқарув органлари зиммасига юклатилади.

Лицензия берувчи органлар ўрнатилган тартибда тadbиркорлик субъектлари томонидан лицензия талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 октябрдан бошлаб 3-иловага\* мувофиқ тadbиркорлик фаолиятини юритишда бир-бирини такрорлайдиган ва ортиқча рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тadbиркорлик субъектлари жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан расмийлаштириладиган ва бериладиган рухсатномалар (қарорлар, келишув ва хулосалар)ни олиши зарур бўлган ҳаракатлар ҳамда фаолият турлари рўйхати фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг тadbиркорлик субъектлари томонидан айрим ҳаракатларни бажариш ёки фаолиятни амалга

---

\* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ошириш учун рухсатномалар жорий этиш ва рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини ўрнатиш мақсадида қарор қабул қилиши тақиқлансин.

Мазкур органларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу банди бузилган тақдирда шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда жорий этилган тартибда «Рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини:

муружаат асосида рухсатномалар беришни амалиётга тадбиқ этиш;

тадбиркорлик субъектлари рухсатнома олиши зарур бўлган ҳаракатлар ва фалият турларининг муайян рўйхатини белгилаш;

рухсатномалар бериш жараёнининг соддалаштирилган, аниқ ва асосли механизмлари, «бир дарчага» тамойилидан устувор фойдаланиш, рухсатномалар беришга тўланадиган ҳақ миқдорини уларни расмийлаштириш ҳаражатлари билан чеклаш кўзда тутилган ҳолда тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 сентябрь,  
ПҚ-186-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **287** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида» 1998 йил 26 октябрдаги 452-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 13 июндаги ПФ-3618-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида» 1998 йил 26 октябрдаги 452-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 10-сон, 39-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг республикада пахта, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган дондан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича очиқ акциядорлик жамиятлари шаклидаги улгуржи қишлоқ хўжалиги бозорлари (кейинги ўринларда — «Улгуржи бозор» АЖ) тармоғини ташкил этиш ҳақидаги»;

2. 1-иловада:

а) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Улгуржи бозорларда пахта, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган дондан ташқари барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва буюмлар) сотилиши мумкин.

Улгуржи бозорлар ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта сифимли идишлардан (контейнерлардан) ва автомашиналардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ўраш ва жойлаш материалларини (қутилар, халталар, ящиклар ва бошқаларни) сотишга йўл қўйилади»;

б) 17-банддаги «Ўздавстандарт» маркази ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 сентябрь,  
211-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**288** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 июндаги 263-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилги параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорининг 4-банди бешинчи хатбошида «ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 22 сентябрь,  
213-сон



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**289 Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
17 сентябрда 1444-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 1 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (2005 йил 18 январь, рўйхат рақами 1444) киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 2005 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.
3. Мазкур қарор амалга киритилган кундан эътиборан, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/7-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 август,  
18/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**290** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 17 сентябрда 773-20-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 27 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил август, 32-сон, 369-модда) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари А.Қ. Қодиров зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 август,  
18/7-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**291 Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
20 сентябрда 1512-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 30 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида», 2003 йил 3 июндаги 240-сонли «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида», 2004 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари ҳамда Халқаро савдо палатаси томонидан тасдиқланган 458-сонли «Тақдим этилган талабнома бўйича тўлов бажарилиши шарт бўлган кафолатларга оид бирхиллаштирилган қоидалар» (1992 йилдаги таҳрири) ва 500-сонли «Ҳужжатли аккредитивлар учун бирхиллаштирилган қоида ва одатлар»дан (1993 йилдаги таҳрири) келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида» Низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган санадан ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банки Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 сентябрь,  
611-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**292 «Пахтани толаси экспортдан келиб тушадиган валюта тушумини мажбурий равишди сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

*(2005 йил 20 сентябрдан давлат реестридан чиқарилди)*

Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарига сотилишига оид шартномалар бўйича хорижий валютадаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира (резерв) аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш муносабати билан **қарор киламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказии банкининг 2003 йил 12 августдаги 94 ва 234-В-сонли «Пахтани толаси экспортдан келиб тушадиган валюта тушумини мажбурий равишди сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (2003 йил 22 август, рўйхат рақами 1265).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарига сотилишига оид шартномалар бўйича хорижий валютадаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира (резерв) аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида»ги низомни амалга кириш кунидан бошлаб кучга киритилсин.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 сентябрь,  
89-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 сентябрь,  
19/7-сон

**Келишилган**

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 сентябрь

**Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари У. РОЗУҚУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 10 сентябрдан 23 сентябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/3-сон қарори.*

*2005 йил 17 сентябрда 1444-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 октябрдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/7-сон қарори.*

*2005 йил 17 сентябрда 773-20-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 27 сентябрдан кучга киради).*

3. «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 611-сонли қарори.*

*2005 йил 20 сентябрда 1512-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 сентябрдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Пахта толасини экспортдан келиб тушадиган валюта тушумини мажбурий равишда сотиш тартиби тўғрисида низом.\* (ХФУ). *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2003 йил 22 август, рўйхат рақами 1265).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 20 сентябрдаги 140-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

\* Ушбу Низом «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида низом» (2005 йил 20 сентябрь, рўйхат рақами 1512) амалга киритилган кундан бошлаб ўз кучини йўқотади.